

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 27 сентябр, сешанба № 158 (1999)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Кадрли дўстлар! Авваламбор, сиз, қорақалпоқ пахтакорлари, деҳқонлари ва барча меҳнаткашларини бу йилги мавсумда эришган юксак меҳнат ғалабангиз билан - нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон пахтачилиги тарихида биринчилар қаторида гоёт қисқа муддатда пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Қорақалпоғистоннинг мамлакатимиз хирмонига 185 минг тонна юкори сифатли - биринчи сорт билан пахта хомашёси топширгани, бу йилги йигиртерм мавсумида карвонбоши бўлиб сентябр ойидаёқ белгиланган марра-ни эгаллашга эришгани - бу чиндан ҳам кўпчиликни ҳайратда қолдирган ютук, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Утган ҳужалик йилини ҳам барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлаган сиз, азизларнинг бу улкан ютугингиз замирида ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кишлоқ ҳужалигида ҳал қилувчи куч бўлган фермерлик ҳаракатиға кенг йўл очиб бериш, эгаллик ҳиссиёти, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш ва меҳнат қилиш каби омиллар муваффақиятга олиб келди.

Мен кунни кеча серҳосил далаларингизда бўлиб, сизларнинг оғир табиий шароитга қарамаздан амалга оширилган ибратли ишларингизни, эзгу орзу-умидлар, келажаққа ишонч билан яшаётганингизни кўриб, беҳад мамнун бўлдим.

Кейинги йилларда оғир синовларни, қурғоқчилик машаққатларини бошидан ўтказиб, шу заминни обод этиш йўлида сабот ва матонат фазилатларини, том маънода қахрамонлик намунасини намойиш этиб келатган қорақалпоқ элининг бугунги катта му-

вафқияти барчамизни, бутун халқимизни қувонтиради. Азиз дўстлар!


Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг турли соҳалардаги салмоқли ютуқларини эътироф этган ҳолда, ҳукуматимиз ва давлат идоралари, бунга мутоасадди бўлган барча ташкилот ва жамоатчилигимиз томонидан мана шу ўта мураккаб табиий иқлим ва тупроқ шароитида яшайдиган инсонлар учун доимий ва барқарор даромад манбаларини яратиш ҳақида жиддий бош қотириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу мақсадда бу ерда санаот ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес, шу жумладан, катта инқолиятларга эга бўлган чорвачилик каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Мана шу қорақалпоқ заминига, ўз тугилиб ўсган ерига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат кўрсатиб яшаётган аҳолининг ижтимоий ва коммунал эҳтиёжларини, авваламбор, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шўрланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини, атроф-муҳитнинг экологик даражасини яхшилаш масаласига олдимизда турган энг муҳим вази-фамиз, деб қарашимиз лозим.

Бугунги куннинг кунда мен сизларнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ҳалол меҳнат қилиб қўлга киритган юксак ғалабангиз билан яна бир бор самий қуллар эканман, аввал айтган га-лимни яна такрорламоқчиман: мен ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақал-поқ халқининг ҳам фарзанди, деб била-ман ва бу билан доимо фахрланаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга қут-баракат, ишларингизга янги омадлар тилайман.

ИСЛОМ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Қўқон шаҳрида санаот корхоналарини соғломлаштириш ва молиявий аҳолини яхши-лаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вази-рлар Маҳкамасининг шаҳарда ишлаб чиқариш корхоналари-ни қўллаб-қувватлаш ва мо-лиявий соғломлаштириш

да оёққа тураётган «Қўқон механика заводи» ҳиссадор-лик жамиятидир. Ҳозирда бу ерда 350 на-фар ишчи меҳнат қилмоқда. Таъкидлаш керакки, ўтган йили август ойида 61,2 мил-лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, шу йил-нинг август ойида 115,1 мил-лион сўмлик, ўтган саккиз ой-да эса 604,9 миллион сўм-лик маҳсулот харидорлар-га етказиб берилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тури эса 40 тага етказилди. Маҳаллийлаштириш да-стурига кўра корхонада этти турдаги маҳсулот ишлаб чи-қариш йўлга қўйилди.

Суратларда: корхона фа-олиятидан лавҳалар.
М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган суратлар

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Андижон воқеалари содир этилганга ҳам анча вақт бўлди. Лекин унинг амалли излари, оғир изтироб-лари халқимизнинг юрагидан ҳали-ҳолан кўтарилган йўқ. Ушбу фожиали дамларнинг аччиқ сабоқлари кишиларимизни жипслаштириб, ҳар биримизни яна-да оғох ва сергак бўлишга даъват этмоқда.

Қайтар дунё, дейдилар. Бу беш кунлик ўтқинчи ҳаётда одамзод савобу хай-рли ишлари учун муносиб тақдирлангандай, ёмон қилмиши, кирдикорлари учун тегишли жазосини ҳам олади. Андижон фар-занди - буюқ шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бо-бур айтадиларки: «Хар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидур...»

Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йилнинг 12-13 май кунла-ри Андижон шаҳрида тер-рорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар-ни содир этганликда айб-наётган 15 нафар судланув-чиға оид жиноий ишнинг суд жарағи давом этмоқда.

Унда судланувчилар Мўйдин Собиров, Фарход Хамидов, Алишер Ҳакимов, Азизбек Юсупов, Хусан Ту-ропов, Абдулҳафиз Ғозиев, Абдувоис Бироҳимов, Аваз Турғунов, Муҳаммадшокир Ортиқов ва Лочинбек Имон-қовнинг қўриб чиқилмаёт-ган жиноий иш ҳолатлари бўйича кўрсатмалари тинг-ланди.

Судланувчиларнинг ўзла-ри содир этган жиноий иш ҳолатлари юзасидан икropp-лик кўрсатмаларидан таш-қари, судга раислик қилувчи Б.Жамолов ва суд коллеги-яси аъзолари, давлат айб-ловчилари, ҳимоячиларнинг аниқлаштирувчи саволлари, шунингдек, жағбаранганлар, даъвогарларнинг саволлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар-ни янада батафсилроқ ўр-ғаниш имконини бермоқда.

Авалло, шунини айтиш ке-ракки, Андижон воқеалари тасодифан рўй бергани йўқ. Судланувчиларнинг икropp-ридан содир этилган террор-чилик ҳаракатлари ташқи бузғунчи қучлар кўмағида Ўзбекистоннинг мустақил си-ёсати, миллий маффаатла-рига қарши пухта режалаш-тирилган ва ташкил этилган хуруж экани, мавжуд консти-

туциявий тузумни ўзгарти-ришга қаратилган яна бир бор аён бўлди.

Андижон воқеаларининг ташкилотчилари пухта сцен-нарий ишлаб чиққан. Бу сценарий курулди гуруҳлар тузиш, уларни курул-яроғ ва ўқ-дори билан таъминлаш-ни ўз ичига олган.

Хусусан, судланувчи М.Со-бировнинг икroppида Анди-жон вилояти ҳокимлиги би-носини зудлик билан эгал-лаш мақсадида ҳар бирида 9 кишидан 22 кишиғача бўлган 20 та хужум гуруҳи тузилган, бу гуруҳларнинг бошлиқлари хужум уюшти-риладиган объектларнинг схемаларини батафсил ў-ргангани, зарур курул-ас-лаҳа, портловчи модда ва ўқ-дориларни олдиндан тайёр-лаб қўйгани айтиб ўтилди.

«сценарийчилари» мазкур ҳаракатларга «тинч фука-ролар чиқарилди», «кенг аҳоли оmmasи намойиши» тусини беришни ва уларга қарши ҳукумат қўшинлари гўёки жанговар ҳаракатлар олиб бораётгандек манза-ра яратишни кўзлаган.

«Акримийлар»нинг раҳ-барларидан бири - судла-нувчи А.Иброҳимов қамқо-надан ноқонуний ра-вишда чиқариб юборилган, террорчилик хуружлари ташкилотчиларидан М.Со-бировнинг топшириғига бўлиқлари хужум уюшти-риладиган объектларнинг схемаларини батафсил ў-ргангани, зарур курул-ас-лаҳа, портловчи модда ва ўқ-дориларни олдиндан тайёр-лаб қўйгани айтиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда)

МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИ

Қорақалпоғистонлик миришкорлар давлатга пахта сотиш шартнома-режасини мамлақати-мизда биринчи бўлиб бажарди.

Жорий йилда 103,9 минг гектар майдонда гўза парваришлаган Орлобуйи пахтакорларни йигим-те-римини ҳам уюшқоқлик бил-ан ўтказиб, 185 минг тон-налик улкан хирмон бунёд

эти. Ҳосилнинг 80 фоизи биринчи сорта сотилади. Ер ўз эгасини толгани, фермерлик ҳаракатини ри-вожлантиришга катта эъти-бор қаратилаётгани муваф-фақиятнинг бош омилли бўлди. Бугунги кунда рес-публикада қарийб 7 минг 900 фермер ҳужалиғи фао-лият юритмоқда. Уларнинг галла етиштиришдаги улуши 62,8, пахтачиликда эса 82

Аминбой ОРТИҚБОВ,
ЎзА муҳбири

Тадбиркор М.Холдоров: - Ҳар йили туман машина-трактор парк маъмурияти билан галла ўрим-йигимини ўтказиш юзасидан шартнома-га киришамиз. Бошқарув ра-иси Ш.Ақромов галлага ўрқ тузиши билан неғадир ўза-ради қолади. Бор онанга, бор отанга, қабилида иш қилиб, фермерларни муш-кул аҳволга солади. Комбайн ажратилишини сўраб қилган илтижоларини кўп ўринлар-да зое кетади. Холбуки, кўрсатиладиган техника хиз-

нинг кўпчилиги бажарилмай қоғозда қолмоқда. Кенгаш-нинг ижтимоий ҳимоялаш бўлими ходимлари билан суҳ-батлашганимизда, улар шар-тнома бандларининг 90-95 фоизи бажарилмапти, дея қатий таъкидлашди. Қаний-да шундай бўлса, Вилоят ке-нгашига тақдим этилган стати-стик ҳисоботга қараганда, бир фойзлик аъзолик бадалидан йиллик тушум 17 миллион 307 минг сўмни ташкил эти-ши керак. 2005 йилнинг 11 сентябр ҳолатига бу вазифа

«Ишонч» бонг уради

лож прокуратура идоралари-га мурожаат қилдилар. Жум-ладан, «Ўзбекистон» ширкат ҳужалиғи аъзолари қўлга иш ҳақи ҳуқуқ-тартибот идорала-ри аралашувидан кейингина теғди.

Ижтимоий ҳимоянинг му-ҳим бугини - ишловчиларни, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳам талаб даражасида эмас. Туман ке-нгаши кўп сонли касабга уош-малари ташкилотларидан бири ҳисобланади. Андижон, кенгаш сағифа 15 та бошлан-ғий ташкилот, 15 мингга яқин аъзо бирлашган. Ҳамжиҳат-лик, қатъиятлик етишмаётган-лиги боис 2004 йилда 3 на-фар, жорий йил 4 нафар иш-ловчи касабга уошма йўлан-маси билан дам олдирилган-ни ҳам кўп нарсани янглиб-тирибди. Бир нарсга деҳқон-ларни гоёт ажблантирди. У ҳам бўлса «Истиклол» ором-гоҳи ёнинг энг қизгин пай-ласида ёпибди. Таътилни йа-рраб ўтказиш иштиғида сўлим масканга ташриф бу-роған ўғил-қизлар уларига ҳафсаласи пир бўлиб қайтиш-ди.

Ўтказилган текширишлар-дан сўнг, оромгоҳда қатор конунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди. 43 нафар ходимнинг бир қисми санитария кўриғидан ўтмаган, боз устига касб мутахассис-лиги боисқа йўналишда бўлиб чиқди. И.Янгибоева пахтачи-лик ихтисосини эгаллаган бўла туриб, оромгоҳга бош-лик этиб тайинланган. Умуман,

Собиржон РЎЗИМОВ,
«Ишонч» махсус муҳбири

юзлаб аъзо бор. Тармоқ ка-саба уюшмаси кишлоқ инф-ратузилмасига кирувчи мулк-дорлар, яъни иш берувчилар, уларнинг оила аъзолари, ё-ланма ходимлар манфаатла-рини ҳимоялашга даъват этилган. Ишловчиларнинг меҳнат ва маъийи шароити, ходимларни соғломлашти-риш, шартнома шартларининг бажарилиши каби масалалар атрофида гап берганида ке-нгаш раиси А.Абдулжалилов не-ғадир ўйга толди. Сўнг гап-нинг ростига кўчиб, касабга

уошма етакчисини ҳам, бош ҳисобчи ҳам «сабр қилинг, ҳаракат қилаёғимиз» дейишдан нариға ўтмасди. Бу орада У.Раҳмонов ишдан кетди. Ширкат ҳужалиғини бошқара-ётган Анаваржон Абдулжалилов кенгаш раислиғига сайланди. Бахтга қарши шундан кей-ин ҳам тадбиркорни сарсон қилиш давом этаверди. Охи-роқибат 2004 йилда эмас, бал-ки 2005 йилдагина фермер-нинг ораси ушалди. Лекин унинг шашти, ишончи анча қайтганди. Ахир у касабга уошма аъзоси сифатида аъзолик бадалини ойма-ой тўласа, йўланма ҳақини ол-диндан ҳисоб-китоб қилса, шунда ҳам талаб-сарсон қили-ниса қондирилмайди?

Умуман Бўз туманида фер-мерлар, хусусан, кишлоқ мулкдорларининг ижтимоий, ҳуқуқий муҳофазасига кўпчи-лик оруз қилган даражада эътибор берилмаптими? Ана шу савол атрофида фикр юритсак. Туман деҳқон ва фермерлар уюшмаси ҳузури-да касабга уошма ташкилоти ташкил толганига бир йил бўлаяпти. Ушбу ташкилотга Г.Мансурова етакчилик қил-моқда. Ташкилот ҳисобиди

ВАҚТИ БОЙ БЕРАЁТГАНЛАР

Бўз туманида фермерлар, тадбиркорларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларни касабга уошма аъзолиғига жалб этиш масаласига юзаки муносабатда бўлишмоқда

уошма кўмитаси етакчиси «уз-рили» сабаб билан ишга кел-маётганини таъкидлади. Ки-зиқ, дала ишлари қизгин тус олган, меҳнаткашлар бир га-йратта ўн гайрат қўшиб ишла-ётган бир шароитда улар ҳақида лозим даражада меҳ-рибонлик кўрсата олмаётган касабга уошма ходимлари фа-олиятига қандай баҳо бери-ш мумкин? Сездикки, АСМ хо-димлари касабга уошма вило-ят Кенгаши бошланғич таш-килотлардан узулиб қолган. Хал қилувчи бўғинларда ам-алга оширилаётган тадбирлар, маданий-маъийи ишлар, ил-горларни рағбатлантириш қан-дай кетаётганлиги ҳақида ях-ли тасаввурга эга эмаслар. Буни қуйидаги фикрдан ҳам билса бўлади.

маги учун олдиндан 15 фо-излик тўловни амалга оши-рамаиз. Охири бўлмағач, бу йил ҳам хусусий комбайнчи-ни ёллаб, галлани саранжом-лаб олдим... Агросаноат мажмуи ходин-лари касабга уошмаси Анди-жон вилоят Кенгашининг 2004 йилда ўтказилган кон-ференцияси қарорлари икropp-сига эътибор қаратамиз. Ка-рорда иш ҳақидан қарздор-ликка барҳам бериш, соғлом-лаштириш, касабга уошмала-рини ташкилий жиҳатдан яна-да мустаҳкамлаш, меҳнат му-носабатларини жамоа шарт-номалари орқали идора қилиш вазифалари қайд этил-ган. Бахтга қарши, булар амалда ўз ифодасини топма-япти. Белгиланган бандлар-

нинг 20 фойзлик қийматидан фермерларга 14 миллион сўмлик иш ҳақи тўланмай кел-инаёттир. Равшанки, Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 19 мартдаги иш ҳақидан қарз-дорликка барҳам бериш тўғрисидаги Фармонидан назор-ат идоралари қаторида ка-саба уошмаларига ҳам катта ваколатлар берилган. Шундай бўлса-да, бузиқ тадбиркор-лар туман кенгаши ходимла-рининг мулкдорлар ҳуқуқий маффаатини ҳимоялаб, қарз-дорлар устидан судларга даъ-во аризалари, ташкилотларга оғохлантириш хатлари ёнқи тақдимномалар йўллаганини эслаш олмадилар. Иш ҳақини ололмай қийналган ҳужалик-ларнинг миришкорлари нои-

умид қиламизки, касабга уошмалари рўзномасида чоп этилаётган дарди мақолалар Ўзбекистон агросаноат маж-муи ходимлари касабга уош-малари раҳбарлари, мутахас-сислари, барча ходимлари, тармоқлардаги мутахассислар томонидан атрофида қўриб қилиб, камчиликларни бар-тарф этиш, вақтдан унумли фойдаланиш, хал қилувчи таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар белгилашни, изчил амалга оширилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ: ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Президентимизнинг Қорақалпоғистон диёрига ҳар галги ташрифи табиат кийинчиликлари мардонавор энгбид фидокорона меҳнат қилаётган Оролбўйи аҳолисининг куч-ғайратини янада ошириб, кайфиятини кўтарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

ИНСОН МАНФААТИ УСТУВОР

Юртбошимиз халқ хўжалигининг барча тармоқларида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Пахтакорлар, чорвадорлар, галлакорлар, отахон ва онахонлар, келажакимиз эгалари ёшлар билан суҳбатлашди.

Хукуматимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўрлик туфайли иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бундай муваффақиятларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бораётганлиги, шаҳар ва қишлоқлар, овуллар тобора обод бўлиб, янги-янги иншоотлар қурилиб, ишга туширилаётганлиги мисолда кўриш мумкин.

Марказий Осиёда энг йирик-йилига 100 минг тонна қимматбаҳо маҳсулот ишлаб чиқарадиган Қўнғирот сода заводи, «Йилкигаз» қўшма корхонаси, Хўжайлидаги шиша заводи, «Олтекс», «Катекс» мажмуалари, «Қўнғирот-карбит», Нукусдаги ун ва кабел заводлари, яқинда ишга туширилган «Берунийтексил», «Тўрткўлтестил» каби йирик корхоналар мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Юртбошимиз ҳар галги учрашувларида турмуш тарзини яхшилаш, одамларнинг оғирини энгил қилиш, биринчи галда тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида таъкидлашди. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда фойдаланишга топширилган 243 километрли Туюмийн-Нукус, 112 километрли Нукус-Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари, мураккаб экологик ҳудудларда яшаётган кишиларга қулай шароит яратиш мақсадида Чимбой ва Тахтакўпир, Қўнғирот ва Қонлиқўл туманларининг олис қишлоқ ва овулларига, 400 дан ортқ аҳоли масканларига тоза ичимлик суви етказиб берилганлиги халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат беради.

Вазирлар Маҳкамасининг «Оролбўйи» генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ аҳоли соғлигини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш соҳасида катта

эришмоқда. Халқимизнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнати муносиб тақдирланаёпти. Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, мамлакат Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Агитой Адилов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони

ШУМАНАЙ ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШАДИ

Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони илҳом қилган амалга оширилаётганлиги туфайли Оролбўйида телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш, абонентлар сонини кўпайтириш, АТСлар қувватини ошириш ва хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Туманимиз телерадио тарқатуви станцияси хориждан келтирилган энг замонавий усуналар билан жиҳозланган.

Марказлари, турар-жой, саноат, қурилиш ташкилотларини телефонлаштириш бўйича муайян ишлар амалга оширилади.

Ислом КАРИМОВ

Эндликда аҳоли чет элда ишлаб чиқарилган тўлқун тарқатуви усуналар орқали мамлакат телевидениеси ва радиосининг қўлбал каналларидаги қўрсатув ва эштитиришлардан тўлиқ баҳраманд бўлаяпти.

Кейинги йилларда маҳалла ва овуллар, шаҳар ва туман Янги усуналар ўрнатиш ва тўла қувват билан ишлашни йўлга қўйишда инженер-техник ходимлардан Илём Жумабеков, Рустам Отахонов, Эркин Қалибоевлар хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда фаол иш олиб борилаяпти.

Айни пайтда станцияни интернет тармоғига улаш, уяли телефон алоқасини йўлга қўйиш юмушлари олиб борилаяпти. Истиқлолнинг 14 йиллиги арафасида ватаннинг юксак муқофотиغا сазовор бўлдим. Меҳнатимни муносиб рағбат топганлиги кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўйди.

О.КЕЛИМБЕРГЕНОВА, Шуманай тумани телекоммуникация тармоқлари корхонаси мудири, «Дўстлик» ордени соҳиби

Айни кунларда қорақалпоғистонлик пахтакорлар қизгин меҳнат палласида. Улар пахта йиғим-терим мавсумини ушшоқлик, ҳамжиҳатлик билан ўтказишмоқда.

Айниқса, бу борада Хўжайли туманидаги «Найман» ширкат хўжалиги жамоаси барчага намуна бўлмоқда. Гап шундаки, улар жорий йили 1531 гектар ерда етиштирилган

Амалга оширилаётган ислохотлар ва дастурларда қорақалпоқ заминиде яшаётган одамларнинг эҳтиёжлари, талаб ва интилишлари ўз ифодасини топган. Юртбошимиз ташрифидан руҳланган диёримиз аҳолиси турли миллат ва элат фарзандлари билан аҳил ва иноқликда меҳнат қилиб ўзининг бутун куч-ғайратини озод ватанимизни янада обод қилиш ва халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга сафарбар этмоқда.

С.НИЕТУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

БАРАКА ЙИЛИ

Чорвачиликни барака бўлиги деб бежиз айтишмаган. Устюрт кенгликларида жойлашган хўжалигимиз 179 минг гектар майдонни эгаллайди.

Бепоян яйловларда эл-юртнинг 32 минг бош қўй-қўзиси боқилаёпти. Мавжуд 64 отар ижарачиларга шартнома асосида бўлиб берилган. Иқтисодий тежамкорлик режимида амал қилинаётганлиги туфайли йил сайин даромад ортиб бормоқда.

Шартномадан ортқча етиштирилган маҳсулот чорвадорларнинг ўзига қолдирилди. Уларга 4 миллион 398 минг сўм нақд пул, 896 бош қўзи муқофотга берилди.

Олис яйловларда қўй-қўзи кетидан юриб, меҳнат қилаётган чўпон-чўликларга ғамхўрлик кўчатирилган. Бошқарув кенгаши ва қасаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан ишчи-хизматчиларга имтиёзлар берилган.

Ж.Раҳметов бошқараётган 1-қўйчилик ширкатининг Қазима ва Қабанбой яйловларида бўлган киши, қўйчиловларнинг турмуш тарзи яхшиланиб бораётганлига гувоҳ бўлади. Ж.Ортиқов, Т.Абдукаримов бош чўпонлик қилаётган отарларнинг қўйчиловлари хар 100 бош совдакдан 100 тадан қўзи олиб, мавсумни муваффақиятли якунладилар. Чорвадорлар меҳнати муносиб рағбатлантирилди.

2-ферманнинг Қ.Асабоев, О.Бесиқбоев, 4-фермадан Л.Дуйсенбоева, З.Тулепбергенова бош чўпон бўлган отарларда ҳам белгиланганидан зиёд қўзи олинганлиги туфайли оилавий даромад кўпайиб бормоқда.

3400 дан ортқ аҳоли истиқомат қилаётган овулинида умумтаълим мактаби, тиббий пункт, кўлаб маданий-مائий шохобчалар ишлаб турибди. Чорвадорлар киши кийим-кечаклар, озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланган.

У.ИЗБОСДИЕВ, Қўнғирот туманидаги «Устюрт» ширкат хўжалиги қасаба уюшма кўмитаси раиси

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Юртбошимиз Қорақалпоғистонда бўлганларида жисмоний тарбия ва спорт ишларининг йўлга қўйилиши билан танишиб, Нукусдаги Болалар спорт саройи фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Алплар юрти ҳисобланган Оролбўйида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш доимий эътиборда турибди. Хозирги пайтда диёримизда 440 дан ортқ спорт зали, 3

метова, каратэчи Г.Нуржоннова, миллий кураш устаси Г.Қанъозова каби спортчилар мамлакат ва халқро мусобақаларда голибликни эгаллаб келишаяпти.

Оролбўйида Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони жисмонан баркамол, маънан етук, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёш авлоднинг тарбиялаш, воғая етказиш учун кенг имкониятлар яратди.

О.ЕШАТОВ, кураш бўйича Осиё чемпиони, халқро тоифадаги спортчи

МЕХР МУРУВВАТ ВА САҲОВАТПЕШАЛИК ИНСОННИ КОМИЛДИККА ЕТАКЛОВЧИ ЮКСАК ФАЗИЛАТ. БАХТИЗ ТАСОДИФ ТУФАЙЛИ ОТА-ОНАСИДАН, ЯҚИНЛАРИДАН ЖУДО БЎЛГАН ЕТИМ-ЕСИРЛАР, ЁРДАМГА МУҲТОЖ КИШИЛАР ДАВЛАТИМИЗ ПАНОҲИГА ОЛИНГАН.

МЕХР ИЛА ОЛАМ МУНАВВАР

Муассасамизда ўнга яқин миллат ва элатларнинг вакиллари билан икки юздан ортқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Етарли билим, тажриба ва малакага эга муаллим ва тарбиячилар жамоасининг қалбида фарзандларимизга меҳрибонлик ва ғамхўрлик туйғулари муҳасам.

Болалар ҳеч қачон ўзларини ёлғиз сезмайдилар. Улар билан 11 та гуруҳда машғулот олиб борилади. Бошланғич синф ўқувчилари Меҳрибонлик уйининг ўзиде, катта ёшдагилари туман халқ таълими бўлимига қарашли 65-ва 71-мактабларда билим олишаяпти.

Тарбияланувчилар учун ҳамма қўлайликлар яратилган. 25 минг донга адабиётни жамлаган кутубхона, 4 та фан тўрақлари, «Тонг юлдузлари» бадий хаваскорлик гуруҳи ишлаб турибди. Керакли анжомлар билан безатирилган спорт майдончаси тарбияланувчилар хизматиде. О.Мадаминава бошчилигидаги тиббий маскан шифокорлари болалар соғлигини мунтазам назорат қилиб туришадди. Олиҳиммат инсонлар, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар 19 миллион сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатдилар.

Ҳамкасбларимдан Й.Жарилқосимова, А.Қўёсова, А.Холмухамедова, О.Даурхонова, З.Тагирова, Н.Абдуҷамилова, М.Абдуҳайрова қабилар ўзларининг бутун билим ва тажрибалари, меҳр-муруватларини ёшлар тарбиясига бағишлаганлар.

О.ЎРАЗБОЕВА, Хўжайлидаги Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, «Шўҳрат» медални соҳиби

ОРОЛБЎЙИНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ

Орол денгизининг қуриши оқибатида юзага келган экологик аҳолини мўтадиллаштиришда ўрмонларнинг аҳамияти бекиёс.

Республика ҳудудий бошқармасига қарашли 4 миллион 357 минг гектар майдоннинг 843 минг гектарини тўқайзорлар ташкил этади. Тарангил, Бадайтўқай кенгликларида минглаб гектар яшил иҳотазорлар барпо қилинган. Ўрмон хўжалигимизда 165 гектар манзарали дарахлар экилиб, яшил ҳудуд анча кенгайтирилди. Бундан ташқари ҳар йили 10 минг тўплаб қўчат тайёрланиб, бурютмачиларга етказиб берилаяпти.

Ўрмонлар умуммиллий бойлик. Ундан оқилона фойдаланиш тармоқда ишлаётган ҳар бир кишининг бурчидир. Бошқармиз ишчилари сувдан бўшаган майдонларни қўлағалаштириш, яшил чорвачилигини ривожлантиришда фаол қатнашмоқдалар.

Яқин ният йўлидаги хизматларимиз муносиб тақдирланганлиги эл-ортқ манфаати йўлида янада самарали меҳнат қилишга чорлайди.

И.МАМБЕТОВ, Чимбой туман ўрмон хўжалиги тракторчиси, «Меҳнат шўҳрати» ордени соҳиби



С.НИЕТУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ЕР ЭГАСИНИ ТОПСА


Фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ерга эғалик ҳиссининг ўсиши мулкчиликнинг янги шаклига ишончни кучайтирмоқда. Туманимизда 441 та фермер хўжаликлари бўлиб, уларга 12203 гектар ер ажратиб берилган.

Қишлоқ зироатчилари пахта, гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш бўйича яхши натижаларга эришмоқдалар. 312 та фермер «Хўжайли толаси» акционерлик жамияти билан 10328 тонна пахта ҳосили етиштириб бериш учун шартнома тузган эди. Экинлар агротехника талаблари асосида парварши қилинганлиги туфайли режа ошириб бажарилди. Дехқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, оила бюджети мустаҳкамланди.

«Найман» ширкатида жойлашган «Сардор», «Мухтор йўли», «Оқ олтин», Ҳамза номли ширкат ҳудудидаги «Қувонч», «Тилиеумратова Шаҳаргул», «Сирож», «Озодалик» ширкатидаги «Гуласал», «Биби ота» фермер хўжаликларида 10-15 миллион сўм соф фойда олинди.

Чорвачилик билан шугулланилаётган «Кият», «Азамат», «Тадбиркор Хонётган» фермер хўжаликлари эл-юрт дастурхонига белгиланганидан анча ортқча гўшт ва сут етказиб бериб, катта даромадга эга бўлдилар.

Хўжалиқларда очилган минибанклар, нефт маҳсу-



лотлари ва минерал ўғит етказиб бериш шохобчалари деҳқонларнинг мушқулини осон қилаёпти. Фермерлар Қорақалпоғистон давлат университети ҳузурдаги «Бизнес мактаби»да ўзларининг билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Е.ЖАҚСИБАЕВ, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллиги раҳбари

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

Устюрт кенгликларида Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи бунёд этилиши Оролбўйи аҳолиси ҳаётида катта воқеа бўлди. Йирик корхона сўтқасига 470 тонна ош тузи ва 457 тонна оҳақотини қайта ишлаб, қимматбаҳо кальцийли содага айлантиради.

Хитой Халқ Республикасининг «Ситик» компанияси билан ҳамкорликда қурилган улкан маҳмуа йилига 100 минг тонна

ФЕРМЕРЛАРГА ТРАКТОРЛАР

Нукус темир йўл шохбегитига Қорақалпоғистон фермерлари учун янги хайдов тракторлари келтирилди.

Қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш яқин йўлга қўйилаётган киши, фермер хўжалиқларида маҳсулот ишлаб чиқариш умумдорлиги тобора ортиб бормоқда. Айниқса, пахтачиликда катта самарадорликка эришиляпти.

Фермерлар учун жуда қулай бўлган 126 та ВТ-150 маркали трактор келтирилди, дейди «Агроэтикеткисм» акционерлик жамияти раиси Хўжайниёз Қурбонниёзов.

Россияда ишлаб чиқарилган бу занжирли хайдов тракторлари 150 от кучига эга бўлиб, барча дала ишларини бажаради. Кабинада хайдовчи учун қўпгина қўлайликлар яратилган, кондиционер мўтадил ҳавони сақлайди, бошқарув тизими автоматлаштирилган. Янги тракторлар фермерларнинг оғирини энгил қилиши шубҳасиз.

Саҳифани тайёрловчи: Назат ХИҚМАТ, «Ишонч» маҳсус муҳбири

«СИНБАД—ДЕНГИЗ САЙЁҲИ»

Кўни кеча Республика кўйрақ театри жамоаси навбатдаги янги ижодий мавсумни бошлади. Ушбу тантанга бағишлаб, М.Худойкулов ва М.Ашуровлар ҳамкорлигида яратилган «Синбад - денгиз сайёҳи» асари премьерасини кенг томошабинлар илик қўлиб олдилар.



Р.ОРИПОВ

Премьера

Камолитдин Бехзод таваллудининг 550 йиллигига

Камолитдин Бехзод (тахминан 1455-1533/37й) ўрта асрларда яшаган буюк мусаввирдир. У нафақат ўрта Шарқда балки бутун жаҳон тасвирий санъатининг фахридир.

Камолитдин Бехзоднинг ҳар бир асари илоҳий қиёт баландлиги, беқиёс инсоний, чексиз руҳий парвоз замирида ифода этилади. Мусаввир қалби шу даражада тоза, бегуборки уни сўз билан ифода қилиш қийин. «Искандар тоғда зоҳид ҳузурда», «Навоий буюк шоирлар дарахтида», «Хаварнак қасрининг қурилиши», «Хусрав Ширин қасри олдида», «Лайли ва Мажнун саҳрода», «Қариндошларнинг Мажнунни кўргани келиши», «Искандарнинг етти июн донишманди билан суҳбати», «Муҳаммад пайғамбар ўз саҳобалари билан», «Пайғамбарнинг самога кўтарилиши» каби асарлари ана шундай юксалик силсиласида тасвирланган.

ШАРҚ РУҲИНИ АКС ЭТТИРГАН МУСАВВИР

ундан севишганлар кайфиятини англатувчи восита сифатида фойдаланган. Мовий рангдаги чўққилар, оқабган жилға, бир-бири билан инок яшаётган йирткич ҳайвон ва гўзал охулар табиатда теран уйғуллик муҳити мавжудлиги яшорадир. Лайлининг тиззасига бош қўйган Мажнун ва уларга томон энгашаётган кийклар тасвири асар тасвирчиликни оширган.

«Қариндошларнинг Мажнунни кўргани келиши» асари ҳам юксак маҳорат ва гўзал тасвирлар билан яратилган. Шох афсонавий баҳодир лашкарбоши сифатида эмас, балки донишманд, мутафаккир кифосида гавдалантирилган. Миниатюрада замон руҳи ўз аксини топган.

«Лайли ва Мажнун саҳ-

қин юлдузи Бехзод томонидан яратилган композиция энг ноёблиридан ҳисобланади. Мусаввир маънавий манзарани кўзга чиқорлар, дала гулларига тўла чаманзор, соя-салқин буюк кўринишлари билан уйғулликда тасвирланган. Табиатнинг ана шу гўзал манзаралари ҳам Мажнун-

ни мафтун этолмаганига диққатни қаратади. Мажнун теварак-атрофга беларво, лоқайд, унинг учун маънавий гўзаллик ҳаммасидан афзал. Бехзод ушбу композицияга янги гоя ва персонажлар киритиб, ўзига хос манзара яратган. Бехзод инсоний кечинмалар, дунёвий ва диний, фалсафий қарашлари лиро-эпик ва романтик сюжетларда ниҳоятда ёрқин тасвирланган. Унинг асарлари мукамал шакли, нафис ва латофати, ранглар мутаносиблиги билан акрабли туради. Мусаввирнинг ўзига хос тафаккури, миниатюра санъати воситасида борлиқ ҳодисаларни тасвирлашга имкон берган.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос

Хабарлар оқимидан

«ОЛЧАЗОР» ЯНА САҲНАДА

Ўзбекистон академик рус драма театри ўзининг янги мавсумига пухта тайёргарлик қурди. Шу ижодий жараҳда бир неча асар саҳна юзиди кўради.

Булар орасида рус мумтоз адабиётининг ноёб асарлари ҳам бор. Машҳур рус ёзувчиси ва драматурги Антон Чехов ижодида ҳам мушоақабат қилинади.

Гап шундаки, Чехов таваллудига 145 йил бўлди. Халққаро доирада нишонланаётган бу сана муносабати билан театр «Олчазор» деб номланган постановкани томошабинларга тақдим этди.

Чеховнинг ушбу машҳур ижод намунасини саҳналаштириш устида жиддий иш олиб борилди. Ундаги асосий ролларни театрнинг истеъдодли ёш актёрлари олиб чиқшди.

ТЕАТР

МУВАФФАКИЯТИ

Таникли рус ёзувчиси Антон Чехов таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан Москвада адаб номида халққаро фестивал уюштирилди. Россиядаги Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағғармаси, Россия федерациясининг мамлакатимиздаги элчиюнаси, Ўзбекистон маданияти ва спорт ишлари вазирлиги кўмағида Ўзбекистон ижодий кўриқда Ўзбекистон ёшлар театри ҳам иштирок этди.

Театр тақдим этган «Содом ва Гоморро» спектакли ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Шунинг мамнунят билан айтиш жоизки, ушбу ижрочиллик маҳорати учун актёрлар муносиб тақдирланди. Бизнинг театр Россия театр арбоблари кенгаши томонидан Чехов номидаги халққаро фестивалда қатнашган энг яхши унта театр сафига қўшилди.

ЁШ

ТАДҚИКОТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Республикамизда илм-фанни ривожлантириш йўлида ёш тадқиқотчилар ҳам фалоллик кўрсатишмоқда. Самарали изланишлар олиб бориб, ёш илмий салоҳиятларини намоян этаётган иқтидорли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш тадбирлари кўриломоқда.

Ўзбекистон фанлар академиясининг бу борадаги саъй-ҳаракати ҳам таҳсинга сазовор. Ёш олимларнинг энг яхши тадқиқотлари учун таъсис этилган академиянинг махсус мукофотида бир неча киши сазовор бўлди. Бундай мукофот совридорларнинг навбатдаги рўйхати эълон қилинди. Улар орасида математика институти аспиранти Жаҳонгир Мамажонов, механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти кичик-илмий ходими Шерзод Орипов, Умумий ва ноорганик кимё институти кичик илмий ходими Акмалжон Қудратов ва бошқалар бор. Фоллиларнинг тадқиқотлари илмий тўғланларда чоп этиш учун тавсия этилди.

ТАРИХИЙ ВОҚЕА ТАСВИРЛАРИ

Бундан 77 йил муқаддам Тошкент шаҳрида муҳим техникавий янгиллик юз берган эди. Ушанда пойтахтлик муҳандис Борис Грабовский яратган телевизион фото ўз мўъжизасини намойиш қилган эди.

Телевизион тасвир орқали томошабинлар шахримизнинг кўчаларида юз бераётган ҳаракатларни, қизиқарли воқеаларни ўз кўзлари билан кўриш имконига эга бўлишганди.

Бу мўъжиза Тошкент телевидение ватани эканини бутун дунёга маълум қилди. Ана шу тарихий воқеа тавсilotи ҳужжатли фильмда ўз аксини топди. Архив материаллари, музей экспонатлари, кишиларнинг хотиралари ушбу экран асарини суратга олишда восита бўлиб хизмат қилди.

Янги картина тарихий ҳужжатли фильмлардан бирига айланб қолди.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти Қенгаши вилоят Кенгашининг Сўх тумани бўйича вақили Махаммаджон ДАДАХОНОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига чўқур ҳамдардик изхор этди.

Инсон ва табиат

Фарғона водийсини чинакамига мўъжизалар ўлкаси дейиш мумкин. Зеро, қуш ўчса қаноти қуядиган Язёвон дашти, шоқини дарёлар, осмонлар тоғлар, ёз ва куз ойларинда буюк тоғлар, жумладан, минг бир дарда даво муқаддас булоқлари ҳам шу ерда учрабди. Шойр Ёзғанидек, бу ўлкада бир куннинг ўзида турт фаслга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу гал унинг ана шундай мўъжизакор чашмалари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

ВОДИЙНИНГ МЎЪЖИЗАКОР БУЛОҚЛАРИ

шқа жойида жуда кам учрайди.

Наманган вилоятига қўшни, аниқроғи, Норин туманидан қўл узатсангиз етудек масканда Балқичи туманига қарашли Дўнгсарой деган қишлоқ бор. «Тузлоқ бува» деб номланган бу жойни Шўро йилларида йўқотиш, одамларнинг бу ерга келишини чеклаш учун нималар қилишмади, дейсиз. Булоқ кумилди, тўсиқлар билан ўраб ташланди, қоронғулар қўйилди, барибир халқ далама-дала орқали бўлса-да, оқиб кела берди, чашма суви эса бир жойдан беркитилса, икки қадам наридан сизиб чиқишда давом этди. «Тузлоқ бува»нинг ҳосияти шуки, у ҳар қандай яра-чақа бўлмасин, беш-ўн кун ичида бутунлай асл холига келтириш қувватига эга. Бугунги кунда бу ер ҳам ободонлаштирилиб, маънавийтимиз шохобчаларидан бирига айланган.

Наманган шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойдаги «Овчибулоқ» ҳақида ҳам ҳар қанча илик сўзлар айтилса арзийди. Айтишларича, қадимда Норин дарёси Унхат шаҳарчаси ҳудудида жойлашган ушбу «Овчибулоқ»нинг ёнгинасидан оқиб ўтган. Шимол томондаги баланд тепаликда эса Овчи отанинг қабри жойлашган. Бу ерга касалликларга шифо ва муаммоларга ечим излаб келганлар ниятларига етди, дейишди. Шаҳарча марказида қуёшининг таф-

ти ҳар қанча юқори бўлмасин, зиёратгоҳда доимо майин шабада эсади. мусаффо ҳаво танга хузур бағишлайди. Афсуски, мана шундай фусункор гўша ҳам собиқ иттифок даврида харобага айланган эди.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИҚДА

Жанубий Корейнинг «Тюб Пикчер» компанияси яна бир қизиқарли фильмини яратишга киришди. «Менинг келин қидириш тарихим» деб номланган бу бадиий фильм воқеалари серкўёш диёримизда кечади. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, янги картинадаги келинлардан бири ролини тошкентлик корей қизларидан энг гўзали ижро этмоқда. Айни вақтда таниқли санъаткорлардан Теша Мўминов ва Шўхрат Умаровлар ҳам фильмда катнашиб, ўз актёрлик маҳоратларини намоян эттишмоқда.

Мазкур экран асарининг мамлакатимиз билан боғлиқ лавҳалари суратга олиниб бўлди. Бу ижод намунаси шу йилнинг кузи охирида экран юзиди кўради.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Истеъдод

ҒАЛЛАҚУДУҚДА БИР ҚИЗ БОР

Шахло Давирова Оҳангарон туманидаги «Ғаллақудуқ» қишлоғида истиқомат қилади. Эндигина 18 ёшга кирган, бу қиз мамлакат ва Осиё чемпионатларида зафар кучмоқда. Унинг бахти шундаки, Шахло дастлабки кунлардан бошлаб жаҳон чемпиони Алевтина Кимга шогирд бўлди. Кейинчалик бир неча бор жаҳон чемпиони, Ўзбекистон таэквандо федерацияси президенти Пулат Усмонов раҳбарлиги остида спорт сирларини пухта ўрганди. Ғалабалар ёш Шахлони янада руҳлан тириб юборди. Аста-секин унинг ўзи ҳам устозлик қила бошлади. Ўз қишлоғи «Ғаллақудуқ»да ҳамда, туман марказида спорт клуби очди.

Т.ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири



Жиззах вилоят ҳокимининг 2005 йил 17 январдаги «Футбол бўйича 14-вилоят чемпионатини муваффақиятли ўтказиш ҳамда виллоятда болалар ва ўсмирлар, хотин-қизлар футболини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорига биноан виллоят футбол федерацияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, футбол билан шуғулланувчи жамоалар сони сезиларли даражада ошди. Айниқса, уларнинг республика мусобақаларида эришаётган ютуқлари салмоқли бўлаётди. Масалан, жорий йилнинг 2-9 июн кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган «Футбол гунаҳчиси» республика биринчилигида 9-10 ёшли футболчилар фахрли иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ушбу мусобақанинг 11-12 ёшли ўғил болалар турнирида ёш футболчилар голиб чиқшди. Шунингдек, Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган республика «Ешлик кубоги» мусобақаларида жазззахлик футболчилар бронза медали соҳиб бўлдилар.

«ХУМО»

хотин-қизлар футбол жамоаси

Сўнгги йилларда виллоятда хотин-қизлар футболини янада ривожлантириш, ёш футболчи қизларни тарбиялаш, виллоят тарма жамоаси сафига киритиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Виллоятда «Хумо» хотин-қизлар футбол жамоаси мана бир неча йилдирки, фаолият кўрсатмоқда. Бу жамоанинг республика чемпионатларининг доимий иштирокчисига айлангани қувонарли ҳол, албатта. Жамоада айни пайтда 18 нафар аёл тўп сурмоқда. Бош мураббий Шўхрат Мавлоновнинг саъй-ҳаракати билан жамоа республика чемпионатида қанашмоқда.

2004 йилги виллоят чемпионатида бор-йўғи 8 та жамоа қатнашган бўлса, бу йилги мусобақаларда уларнинг сони 12 тага етди, - дейди виллоят футбол федерациясининг масъул котиби Эркин Сатторов. - Бу йилги мусобақаларда Зомин туманининг «Зомин», Арнасайнинг «Олтин водий», Зафарободнинг «Зафар», Форишнинг «Богдон» футбол жамоалари яхши натижаларга эришаётди.

Б.НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири

Ўн тўртинчи миллий чемпионат ўзига ҳослиги билан эсда қоладиган кўринади. Оз эмас, кўп эмас ўн саккизинчи турдан кейин ҳам чемпионат пешқадами бўлган Қаршиннинг «Насаф» жамоаси икки ўйинки, майдонни мағлубият билан тарк этмоқда. Йўқотилган олти очко унинг мавқени кескин тушириб қолди.

«ПАХТАКОР» — БИРИНЧИ ЎРИНДА

олдинга олиб чиқиб, «Пахтакор» қолдирган бир ўйин эвазига тенгликни тиклаш имкониятига эга ҳолда мавсумнинг қолган ўйинлари янада тизив ва қизиқарли тус олиши тайин эди. Лекин, айтиб ўтганимиздек, ўзаро учрашувда «Пахтакор»нинг қўли баланд келди ва у очкога ўзиб кетди. Қолдирган ўйинда зафар кўчилган тақдирда орадаги фарқ янада катта бўлиши таъминланади. Мавсум

Нафақат йигирманчи турнинг, умуман мавсумнинг марказий учрашуви, яъни «Пахтакор» ва «Насаф» жамоаларининг юзма-юз келиши кўп саволларга аниқлик киритди. Уларнинг энг биринчиси, бу «Пахтакор» ҳар йилгидан кўра кучсизми ва бунинг аксинча «Насаф» чиндан-да чемпионликни қўлга киритиш даражасида ҳар томонлама асосларга эгами, деган савол кўни кечаги ўйиндан кейин актуал бўлмади қолди. Гарчанд томошабинлар наздида «Насаф» дарвозасига киритилган голлар, биринчиси - жарима тўпидан сўнгги комбинация, иккинчиси - пеналти тўпайли амалга оширилган бўлса-да, маҳорат ва тажриба бобида барибир пойтахт футболчилари ҳамон устунлики сақлаб турганликларини кўриқдан ўтказди.

Бу галаба «Пахтакор»га амалда олти очко тақдим этди. Сабаби, дуранг чемпионатда кўш ҳокимликни сақлаб қолса, «Насаф»нинг муваффақияти турнир жадвалида уни бир поғона

туғашига олти тур қолган-да бу жуда яхши натижадир. Қашқадарё воҳасининг яна икки жамоаси - «Шўртан» ва «Машъал» ушбу турда «Насаф»дан

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жоржия Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳибқўли, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

қизикки, бирор марта дурданга имзо чекмади. Ё устидан, ё остидан деганлари шу бўлса керак-да. Ҳар ҳолда, таъбир жоиз бўлса, экваторни унутиб, фақат икки қўб ўртасида

«ПАХТАКОР» — БИРИНЧИ ЎРИНДА

бўзчининг моксиликдек олиб-югуриш жамоага ҳозирча фойда келтирмаётди. Чамаси, шу пайтгача ўтказилган чемпионатларимиз мубайнида клуб илк бор медалсиз қоладиган кўринади.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидагича яқун топди: «Самарқанд-Д»-«Трактор»-0:1, «Бухоро»-«Сўғдиёна»-1:0, «Локомотив»-«Навбахор»-1:1, «Тўпаланг»-«Қизилқум»-1:0.

Навбатдаги тур 1 октябрда ўтказилади. Ке-

Table with columns: Турнир, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists match results for various teams like 'Пахтакор', 'Насаф', 'Машъал', etc.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134